O'ZBEKISTON RESPUBLIKASI MILLIY KITOB PALATASI
INV. №
Majburiy bepul nusxa

XDP
OʻZBEKISTON XALQ DEMOKRATIK PARTIYASI

# OʻZBEKISTON OVOZI

IJTIMOIY-SIYOSIY GAZETA

SHU AZIZ VATAN — BARCHAMIZNIKI!

• 2010-yil • 11-dekabr • Shanba • 145 (31.265) • (Tel. Faks) 233-12-56 • 1918-yil 21-iyundan chiqa boshlagan

www.uzbekistonovozi.uz e-mail: info@uzbekistonovozi.uz

## ХАВФСИЗЛИК ВА ҲАМКОРЛИК МАСАЛАЛАРИ МУҲОКАМАСИ

Аввал хабар қилинганидек, Ўзбекистон Республикаси Президенти Ислом Каримов 10 декабрь куни Москва шаҳрида бўлиб ўтган Коллектив хавфсизлик шартномаси ташкилоти (ОДКБ) Коллектив хавфсизлик кенгашининг сессияси ва МДҲ Давлат раҳбарлари кенгашининг навбатдаги мажлисида иштирок этди.

Кремлда дастлаб ОДКБ Коллектив хавфсизлик кенгашининг сессияси бўлди. Унда мазкур ташкилотга аъзо мамлакатлар Президентлари қатнашди.

Музокарада ОДКБ доирасида хавфсизликни мустаҳкамлаш, халқаро терроризм, экстремизм, наркотрафик, трансмиллий уюшган жиноятчилик каби таҳдидларни бартараф этиш, коллектив хавфсизлик тизимини шакллантириш борасида ҳамкорликни ривожлантириш, ахборот хавфсизлигини таъминлаш масалалари муҳокама қилинди. Томонлар жорий йилнинг июнь ойида Қирғизистон жанубида юз берган воқеалар юзасидан фикр алмашдилар.

Президентлар ОДКБ давлатларига умумий таҳдидларнинг тезкорлик билан олдини олишни назарда тутадиган ҳужжатларни кўриб чиқдилар. Сессияда хавфсизликка таҳдид соладиган бошқа фавқулодда вазиятларда ОДКБнинг саъй-ҳаракатлари қандай бўлиши зарурлиги муҳокама қилинди. Турли таҳдидлар оқибатида келиб чиқадиган хавф-хатарларни бартараф этиш масалалари юзасидан фикр алмашилди.

Мамлакатимиз раҳбари ОДКБнинг энг муҳим вазифаси – аъзо давлатларни, аввало, ташқи таҳдидлардан ҳимоя қилишдан иборат эканини таъкидлади. Мамлакатлар ичидаги зўравонлик хатти-ҳаракатларига ҳеч қандай аралашувга йўл қўйиб бўлмайди. Бизнинг қатъий позициямиз шундан иборат, деб таъкидлади Ўзбекистон Республикаси Президенти Ислом Каримов.

Мамлакат ичидаги зўравонлик хатти-ҳаракатлари турли сценарийлар бўйича, ташқи кучларнинг бевосита аралашуви ва молиялаштируви орқали юзага келиши мумкин. Шу боис улар юзасидан бирор қарор қабул қилишдан аввал бундай хатти-ҳаракатларнинг ташкилотчиларини аниқлаб олиш зарур. Жорий йил 10-14 июнь кунлари Қирғизистон жанубида рўй берган воқеалар барчамиз учун сабоқ бўлиши керак. Чунки ўша фожиали кунларда юз мингдан зиёд қочқинларни бошпана, дори-дармон, озиқ-овқат ва бошқа зарур маҳсулотлар билан таъминлаш керак бўлди. Бундан ташқари, мамлакатимизнинг аҳоли зич яшайдиган, кўп миллатли минтақаси — Фарғона водийси хавфсизлигини таъминлаш, чегарадаги вазиятни қатъий назорат қилиш зарур бўлди. Акс ҳолда, янада катта кўламдаги хунрезликлар рўй берган бўлур эди.

МДҲ минтақасидаги давлатлар тарихидан ҳам бундай можароларга етарлича мисол келтириш мумкин. Озарбойжон ва Арманистон ўтган йигирма йилдан ортиқ вақт мобайнида Қорабоғ муаммосини тинч йўл билан ҳал этиш бўйича келиша олмаётгани ҳам шундан далолатдир.

ОДКБ муҳим минтақавий ташкилот сифатида фавқулодда вазият юзасидан бирор-бир чора-тадбир қўллашдан аввал муаммонинг сабабларини, эҳтимолдаги ташкилотчиларини аниқлаши, бундай ҳаракатларнинг оқибатларини олдиндан кўра билиши ва тўғри хулосалар чиқариши зарур, деб таъкидлади давлатимиз раҳбари.

Сессияда ОДКБ фаолиятига доир ташкилий масалалар ҳам кўриб чиқилди.

Мустақил Давлатлар Ҳамдўстлиги Давлат раҳбарлари кенгашининг мажлисида МДҲга аъзо мамлакатлар Президентлари иштирок этди. Томонлар МДҲни ривожлантириш, унинг органлари фаолиятини такомиллаштиришга оид масалаларни кўриб чиқдилар.

Мажлисда минтақавий ва халқаро аҳамиятга молик долзарб муаммолар юзасидан фикр алмашилди.

**Анвар БОБОЕВ,**
**ЎзА махсус мухбири.**
*Тошкент-Москва-Тошкент.*

Тадбир

Республика ихтисослаштирилган кардиология маркази поликлиникасининг замонавий услубда қурилган, барча қулайликларга эга янги биноси фойдаланишга топширилди.

Марказда йилига стационар шароитида 6,5 минг нафардан зиёд бемор даволаняпти. Шунингдек, унинг маслаҳат поликлинкасига йилига 15 минг нафардан кўп аҳоли мурожаат қилади.



## Саломатлик муҳофазаси учун




Шуни алоҳида таъкидлаш керакки, ҳукуматимиз томонидан халқ саломатлигини муҳофазалаш, аҳолига кўрсатилаётган тиббий хизмат сифат ва самарадорлигини оширишга доимо эътибор қаратиб келиняпти. Жумладан, яқинда ушбу марказ қошидаги поликлиниканинг замонавий услубда қурилган 3 қаватли янги биноси фойдаланишга топширилди.

— Энг замонавий услубда қурилган бино, барча зарур асбоб-ускуналар билан жиҳозланган бу тиббий маскан аҳолига кўрсатилаётган ихтисослашган хизматни янада такомиллаштиради, — деди унинг очилишига бағишланган маросимда Соғлиқни сақлаш вазири Адҳам Икрамов.

Бинонинг иккинчи қаватидаги каттакон аквариум, учинчи қаватдаги кенг, ёруғ шифокорлар хонаси, бадан тарбия зали, биокимё лаборатория, рентген хонаси, конференциялар зали, бари энг замонавий тиббий асбоб-ускуналар билан жиҳозланган. Кези келганда шуни айтиш керакки, кардиология марказининг 10 нафар тиббиёт фанлари доктори, 35 нафар фан номзоди график бўйича, 5 нафар илмий ходими поликлиникада доимий равишда беморларни қабул қилади. Биргина биокимё лабораториясида 80 тадан ортиқ тиббий текширув амалга оширилади.

— Поликлиникамиз 250 қатновга мўлжалланган, — дейди поликлиника раҳбари, тиббиёт фанлари номзоди, олий тоифали шифокор Ойсара Мираҳмедова. — Малакали шифокорлар юрак-қон томир касалликлари, артериал қон босими, юрак ишемик касаллиги, қон айланиши етишмовчилиги, юрак аритмиялари каби хасталиклар ва уларнинг асоратларини ташхислайди. Шунингдек, беморларга тор мутахассислар томонидан қалқонсимон без, жигар, буйрак, жинсий аъзолар, ошқозон-ичак касалликлари, офтальмалогия бўйича ультратовуш ва биокимё услублар орқали тиббий хизмат кўрсатилади.

**Саида САЙХУН,**
**«Ўзбекистон овози» мухбири.**

✔ *Оналик ва болаликни муҳофаза қилиш, турли касалликларнинг олдини олиш, умуман, соғлиқни сақлаш тизимини ривожлантириш мақсадида жорий йилда давлат бюджетидан жами **1 триллион 700 миллиард** сўмдан ортиқ маблағ ажратилган бўлиб, бу 2009 йилга нисбатан **30** фоиз ва 2008 йилга нисбатан **2** баробар кўп демакдир.*

ОБ-ҲАВО 11-12.12. 2010

| | БУГУН | ЭРТАГА |
|---|---|---|
| Тошкент | 13°C | 15°C |
| Самарқанд | 13°C | 18°C |
| Нукус | 10°C | 15°C |
| Қарши | 15°C | 20°C |
| Урганч | 10°C | 15°C |
| Навоий | 13°C | 18°C |
| Фарғона | 8°C | 13°C |
| Бухоро | 13°C | 18°C |
| Андижон | 8°C | 13°C |
| Наманган | 8°C | 13°C |
| Термиз | 15°C | 20°C |
| Жиззах | 13°C | 18°C |
| Гулистон | 13°C | 18°C |
| Тошкент вил. | 13°C | 18°C |
| Лондон | 4°C | 2°C |
| Париж | -1°C | 2°C |
| Москва | -9°C | -9°C |
| Мадрид | -4°C | 1°C |
| Пекин | -1°C | 2°C |
| Гонгконг | 15°C | 17°C |
| Рим | 5°C | 4°C |
| Анқара | 7°C | 6°C |
| Токио | 9°C | 8°C |
| Стокгольм | -9°C | -11°C |
| Кейптаун | 10°C | 12°C |
| Қоҳира | 7°C | 7°C |
| Гавана | 15°C | 15°C |
| Вашингтон | -1°C | -2°C |

Муносабат

**Шуҳрат ТУРСУНБОЕВ,**
**Олий Мажлис Қонунчилик палатаси депутати, ЎзХДП фракцияси аъзоси**



## Ижтимоий ҳимоя бўйича энг ишончли йўл

Президентимизнинг Конституция байрамидаги маърузасини тинглаб, кўп нарсаларни ўйладим. Бугунги нотинч дунёда ривожланишнинг Ўзбек модели, миллий тараққиёт йўли нақадар амалий эканини ҳаётнинг ўзи кўрсатиб турибди.

Албатта, ютуқлар ўзимизники, давлатимиз раҳбари парламент палаталарининг қўшма йиғилишида илгари сурган янги ғоялар, янги босқич Концепцияси, унда белгиланган вазифалар зиммамизга янада жиддий масъулият юклайди.

→2

## Туғилмаган болалар... номига нафақа

ёки сохтагарчиликнинг кўз кўриб, қулоқ эшитмаган усули ҳақида

→3

Депутат ва ҳаёт

## Юзма-юз мулоқотлар

*Олий Мажлис Қонунчилик палатаси депутатлари жойларда аҳоли вакиллари билан учрашувлар ўтказмоқда*

Қонунчилик палатасидаги ЎзХДП фракцияси аъзоси Сайдвали Аҳмедов Оққўрғон ва Қуйичирчиқ туманларида аҳоли билан учрашди. Тадбирларда партия ташкилотлари вакиллари, халқ депутатлари маҳаллий Кенгашлари депутатлари, маҳалла фуқаролар йиғинлари раис ва маслаҳатчилари, ўрта махсус таълим муассасалари ва бошқа ижтимоий соҳа ходимлари иштирок этди.

→2

«ЎЗБЕКИСТОН ОВОЗИ» — ХИЛМА-ХИЛ ФИКРЛАР МИНБАРИ,
СИЗНИНГ МИНБАРИНГИЗ!

Обуна индекси — 220

O'zbekiston havo yo'llari
TOSHKENT XALQARO AEROPORTI
Хизматлар лицензияланган

# ИНСОН МАНФААТЛАРИ ВА ФУҚАРОЛИК ИНСТИТУТЛАРИ

**Президентимиз Ислом Каримовнинг Ўзбекистон Республикаси Олий Мажлиси Қонунчилик палатаси ва Сенатининг шу йил 12 ноябрда бўлиб ўтган қўшма мажлисидаги маърузасида фуқаролик институтлари, нодавлат нотижорат ташкилотлар ҳозирги кунда демократик қадриятлар, инсон ҳуқуқ ва эркинликлари ҳамда қонуний манфаатларини ҳимоя қилишнинг муҳим омилига айланаётгани алоҳида таъкидланди.**

*Юртимизда фуқаролик жамияти институтларининг давлат ва ҳокимият тузилмалари фаолияти устидан таъсирчан жамоатчилик назоратини амалга оширишдаги роли тобора ортиб бормоқда. Бугун жамоатчилик ва фуқаролик назорати институти жамиятнинг давлат билан ўзаро самарали алоқасини таъминлаш, одамларнинг кайфияти ва мамлакатда кечаётган ўзгаришларга муносабатини аниқлашнинг муҳим воситаларидан бирига айланмоқда.*

Пойтахтимизда Ўзбекистон Республикаси Олий Мажлисининг Инсон ҳуқуқлари бўйича вакили (Омбудсман) томонидан давлатимиз раҳбари илгари сурган Концепция асосида давлат органлари ва фуқаролик жамияти институтлари фаолиятида инсон ҳуқуқларига эътиборни янада ошириш орқали фуқароларнинг қонуний манфаатлари ва эркинликларини таъминлашга бағишлаб ташкил этилган давра суҳбатида шулар ҳақида сўз борди.

Ўзбекистон Республикаси Олий Мажлисининг инсон ҳуқуқлари бўйича вакили С.Рашидова, Инсон ҳуқуқлари бўйича Ўзбекистон Республикаси миллий маркази директори А.Саидов, Олий Мажлис Сенати Қонунчилик ва суд-ҳуқуқ масалалари қўмитаси раиси С.Ортиқова ва бошқалар Президентимиз Ислом Каримов раҳнамолигида мамлакатимизда фуқаролик жамияти институтлари тизимининг такомиллаштирилаётгани инсон ҳуқуқларини юксак даражада ҳимоя қилишнинг муҳим омили бўлаётганини алоҳида таъкидлади.

Фуқароларнинг мазкур миллий институтларга ишончи тобора ортмоқда. Омбудсман институтига 2009 йилда фуқаролардан ўн мингдан ортиқ мурожаат тушгани ҳам буни тасдиқлайди.

— Ўзбекистонда инсон ҳуқуқлари ҳимоясига қаратилган жуда пухта қонунчилик асослари яратилган, — дейди ЮНИСЕФнинг Ўзбекистондаги ваколатхонаси раҳбари Жан-Мишель Дельмот. — Уларнинг ижросини таъминлаш борасида нафақат ҳуқуқни муҳофаза қилувчи органлар, балки жамоат, нодавлат нотижорат ташкилотлар ҳамкорликда фаолият юритаётгани, инсон ҳуқуқларини таъминлаш соҳасида алоҳида миллий институтлар тизими яратилгани эътиборга лойиқ. Президент Ислом Каримовнинг парламент қўшма мажлисида ушбу соҳаларни такомиллаштириш, жамоат назорати институтини ривожлантириш борасида илгари сурган ғояларининг амалга оширилиши Ўзбекистонда демократияни янада чуқурлаштиришга хизмат қилади.

Ўзбекистон Республикаси Бош прокуратураси, Хотин-қизлар қўмитаси, Фуқаролик жамиятини ўрганиш институти вакиллари, Ўзбекистон Республикаси Президенти ҳузуридаги Давлат ва жамият қурилиши академияси тингловчилари, бир қатор нодавлат нотижорат ташкилотлар ходимлари, ЕХҲТ, БМТнинг Тараққиёт дастури, ЮНИСЕФ каби ташкилотлар вакиллари иштирок этган тадбирда Ўзбекистонда фуқаролик жамияти қурилишининг ҳозирги босқичида ўзини ўзи бошқариш органлари билан давлат тузилмалари ўртасидаги муносабатлар, давлат органлари фаолиятида инсон ҳуқуқлари маданиятини шакллантириш, ҳуқуқни муҳофаза қилувчи органлар ва фуқаролик жамияти институтларининг ўзаро алоқаларини мустаҳкамлаш масалалари юзасидан фикр алмашилди.

**Норгул АБДУРАИМОВА,**
**ЎзА мухбири.**

## Муносабат

(Давоми. Боши 1-бетда.)

# Ижтимоий ҳимоя бўйича энг ишончли йўл

Баркамол авлод йилида ёшларга эътибор ва ғамхўрлик янада юқори поғонага кўтарилгани ҳаммамизга яхши маълум. Биргина қонунчилик соҳасини олиб кўрайлик. Таълим-тарбия, болалар ҳуқуқ ва манфаатларини ҳимоя қилиш борасида қанча қонунлар қабул қилинди. 600 дан ортиқ меъёрий-ҳуқуқий ҳужжат кўриб чиқилиб, ҳаётий тузатишлар киритилди. Бу эса ёш авлодни дунёда ҳеч кимдан кам қилмай тарбиялашга, қобилиятини рўёбга чиқаришга мустаҳкам ҳуқуқий замин яратди.

Анъанага кўра, ҳар йили шу улуғ байрам арафасида янги йилга ўзига хос ном берилади. Президентимиз кириб келаётган 2011 йилни «Кичик бизнес ва хусусий тадбиркорлик йили» деб эълон қилди. Бу жуда муҳим воқеа. Нимага десангиз, дунёда молиявий-иқтисодий инқироз ҳукм сураётган, ишсизлар сони кундан-кунга ўсаётган бир вақтда одамлар бандлиги ва турмуш фаровонлигини таъминлаш ғоятда муҳимдир. Миришкорлик, ҳунармандлик, ўз бизнесини ташкил этишга интилиш кишиларимизга хос хусусият эканини инобатга олсак, бу соҳага йил давомида эътибор қаратилиши ўзининг юксак самарасини берди, албатта.

Давлатимиз раҳбари тарихга назар ташлаб, ота-боболаримизнинг омилкорлик билан иш юритгани, ҳунармандчилик ва савдогарлик тадбиркорликнинг асоси бўлганини алоҳида таъкидлади ва кўп укладли иқтисодиёт янада такомил топиши учун хусусий мулкка устуворлик бериш зарурлигини айтиб ўтди. Бу эса парламент, хусусан, биз депутатлар зиммасига янги қонун лойиҳалари тайёрлаш, ҳуқуқий ҳужжатларни қайта кўриб чиқиш вазифасини юклади.

Президентимиз аҳолини иш билан банд этиш тўғрисида қатор янги таклиф ва ғояларни илгари сурди. Бу ишга мансабдор шахслар масъул эканини, инсонга ёрдам бермоқчи, уни ҳимоя қилмоқчи бўлса, аввало, иш билан банд этиши кераклигини қайта-қайта уқдирди, бу йўлда ҳеч ким тўсиқ бўлмаслиги кераклигини таъкидлади. Афсуски, **«кўпгина вилоят ва туманларда коррупция деган бало, яъни порахўрлик, таъмагирлик, хизмат вазифасини суиистеъмол қилиш каби иллатлар учраб тураётганини инкор этиб бўлмайди,** — деди давлатимиз раҳбари. — **Қонунга зид бўлган бундай хунук ҳолатлар билан муроса қилишга чек қўйишнинг вақти келди».**

Шундан келиб чиқиб айтиш мумкинки, аҳолини иш билан банд этиш, тадбиркорликни янада ривожлантириш, унинг ҳуқуқий ва иқтисодий асосларини мустаҳкамлаш, қонун ва адолат устуворлиги учун курашиш аҳолини ижтимоий ҳимоя қилишнинг энг одилона, энг самарали, энг ишончли ва мақбул йўлидир.

Партиямиз Сайловолди дастурида аҳолини ижтимоий ҳимоя қилиш, унинг манзиллилигини кучайтириш, ўзимизда ишлаб чиқилган маҳаллий халқ истеъмоли маҳсулотлари билан бозорни тўлдириш каби ҳаётий вазифалар белгиланган. Президентимизнинг халқимиз манфаатини ҳимояловчи ташаббусини самарали амалга оширишда фаол қатнашиш мана шу вазифаларни ҳаётга татбиқ этишга хизмат қилади.

Биз аҳоли вакиллари билан бўлаётган учрашувларда шу ҳақда фикрлашмоқдамиз. Масаланинг мазмун-моҳиятини очиб беришга ҳаракат қилаяпмиз. Айни вақтда, партиямиз қуйи ташкилотлари ва маҳаллий депутатлари билан шундан келиб чиқадиган асосий вазифаларимизни белгилаб олаяпмиз.

## ЎзХДП Тошкент шаҳар кенгаши диққатига!

# Етакчининг масъулиятсизлиги

### партия ташкилоти фаолияти сустлашиб кетишига сабаб бўлди

**Сергели туман партия кенгашига фаоллар ишини ўрганиш, яхши тажрибаларини ёритиш мақсадида боргандик. Бироқ бу ерда кутилмаган аҳволга дуч келдик...**

Партия кенгаши раиси туман партия кенгашини «асосий иш жойи» — туман маънавият-маърифат марказига кўчириб келибди. Буниси майли-я, партия етакчиси аксарият ҳолларда маънавият ва маърифат маркази амалга оширган ишларни партия ташкилоти иши сифатида қоғозда қайд этиб боравeрибди. Натижада бу икки ташкилот иши бир-бири билан қориштириб юборилган. Кўплаб партиявий-сиёсий ишлар ўлда-жўлда қолиб, бошланғич ташкилотлар билан алоқа узилган, сиёсий семинарлар маънавий-маърифий тадбирлар соясида қолиб кетган.

Яқинда туман партия кенгаши раиси Баҳодир Ҳайитматов ишдан бўшаш ҳақида ариза берганидан сўнг кенгаш яна ўзининг аввалги биносига қайтиб келди.

— 2008 йилгача туман кенгаши фаолияти кўп марта эътироф этилган эди, — дейди туман партия кенгаши масъул ходими Феруза Жуматова. — Қатор ташаббуслар билан чиққандик. Етакчилар қўнимсизлиги туфайли бугун шу аҳволга тушиб қолдик. Ўтган вақт ичида партиявий ишлар сустлашиб кетди. Ваҳоланки, Сергели туман партия ташкилоти Тошкент шаҳрида энг катта партия ташкилоти ҳисобланади. Бошланғич ташкилотлар ҳам сон жиҳатдан анча кўп.

— Кенгашда озми-кўпми ишлар қилинди, — дейди туман партия кенгаши раиси ўринбосари Зуҳра Ҳакимова. — Мисол учун, Жамоатчилик қабулхонаси, Ахборот-ресурс маркази фаолияти ёмон бўлмади. Хайрихоҳлар, электоратимиз вакиллари бу ерга келиб туришади. Аммо партия иши фақат шундан иборат эмас. Биз ўзимиз жойларда кўпроқ бўлиб, аҳоли орасига чуқурроқ кириб боришимиз, уларни ўйлантираётган масалаларни ўрганишимиз ва уларнинг ечими бўйича аниқ таклифлар билан чиқишимиз керак.

*Жорий йилнинг ўтган даври мобайнида Жамоатчилик қабулхонасига бор-йўғи 19 та мурожаат бўлибди. Бу рақамни ойларга тақсимласак, ҳар ойга иккитадан ҳам тўғри келмайди. Жамоатчилик қабулхонаси ташкил топган дастлабки йилларда мурожаатлар сони анча кўп бўлиб, йилдан-йилга камайиб боргани нимани англатади? Туманда электорат вакилларининг партияга ишончи сусайиб бораётганини кўрсатмайдими?*

Бошланғич ташкилотлар билан ишлашда ҳам лоқайдлик ҳукм сурмоқда. Туманда партиянинг 140 та бошланғич ташкилоти мавжуд. Аммо бугунги кунда уларнинг қанчаси фаолу нечтаси билан алоқа узилганини ҳеч ким билмайди. Туман кенгаши билан доимий алоқада бўлиб турган қуйи ташкилотлар саноқли. Шулардан бири Тошкент халқаро аэропорти давлат унитар корхонаси қошидаги бошланғич ташкилотдир. Унинг етакчиси партия фаолларини мунтазам тадбирларга таклиф қилиб келган. Куни кеча у ерда Президентимизнинг Олий Мажлис палаталари қўшма мажлисидаги маърузаси мазмун-моҳиятига бағишланган давра суҳбати бўлиб ўтди.

— Бу каби тадбирларни тез-тез ўтказиб турамиз, — дейди қуйи ташкилот етакчиси Зиёвуддин Илҳомов. — Аммо бошланғич ташкилотнинг иши фақат шундан иборат бўлмаслиги керак. Очиқ айтаман, партия дастури, ғоя ва мақсади борасида тарғибот-ташвиқот ишлари яхши йўлга қўйилмаяпти. Бунда бир томондан биз етакчилар ҳам айбдоримиз. Буни тан олиш керак.

Сергели туман давлат Бош санитария-эпидемиология назорат марказида бошланғич ташкилот ўз ҳолига ташлаб қўйилганига анча бўлган.

— Икки-уч йилдан буён туман партия кенгаши бизнинг фаолиятимиздан хабар олгани йўқ, — дейди бошланғич ташкилотнинг собиқ етакчиси Шоира Алиматова. — Улардан эътибор бўлмагач, аста-секин партиявий ишлар сустлашиб кетди. Мен соғлигим ёмонлашган сабабли етакчиликдан озод этилганимга анча бўлди. Бугун бошланғич ташкилотга ким етакчи? Буни ҳеч ким билмайди. Чунки бошланғич ташкилот йиғилиши ўтказилиб, янги етакчи сайланмаган. Сиёсий семинарлар, тренинглар ҳақида гапирмаса ҳам бўлади. Уларни ўтказиш учун бир ташкилотчи бўлиши керак-ку!

Шу ўринда туман кенгаши «Истиқбол» ёшлар ва «Фаол аёллар» қаноти фаолияти ҳақида ҳам тўхталиб ўтиш жоиз. Уларнинг етакчилари ҳам худди туман кенгаши раиси каби йилдан-йилга ўзгариб турган. Эндигина партия ишини тушуна бошлаган ходим оддий сабабга кўра вазифасидан бўшайверган. Бу туман кенгашида кадрлар масаласига эътиборсизлик билан қаралгани, етакчиликка қобилиятсиз кишилар сайлангани оқибатида келиб чиққан, деб ўйлаймиз.

Туман кенгашида юзага келган вазият Тошкент шаҳар партия кенгашидан жиддий эътибор ва ёрдамни талаб этади. Акс ҳолда, йўқотишлар янада кўпайиб, партия обрўсига катта путур етиши мумкин.

**Гулруҳ ОДАШБОЕВА,**
**«Ўзбекистон овози» мухбири.**

## Депутат ва ҳаёт

(Давоми. Боши 1-бетда.)

# Юзма-юз мулоқотлар

***Олий Мажлис Қонунчилик палатаси депутатлари жойларда аҳоли вакиллари билан учрашувлар ўтказмоқда***

Оққўрғон туман ҳокимлиги мажлислар залида «Мамлакатимизда демократик ислоҳотларни янада чуқурлаштириш ва фуқаролик жамиятини ривожлантириш концепцияси»да илгари сурилган эзгу ғоялар мазмун-моҳияти ҳақида фикр алмашилди. Маърузада таъкидланган фикрлар мамлакатимиз тараққиётини янги босқичга олиб чиқишида ҳар бир фуқародан фаоллик талаб этиши таъкидланди. Шунингдек, Президентимиз янги йилни «Кичик бизнес ва хусусий тадбиркорлик йили» деб эълон қилгани, шу муносабат билан амалга оширилиши кўзда тутилаётган чора-тадбирлар Концепция ғоялари билан чамбарчас боғлиқ эканига эътибор қаратилди.

— Концепцияда илгари сурилган қатор қонунчилик ташаббуслари давлат ва жамият бошқарувини янада демократлаштиришга қаратилган бўлиб, жамоатчиликнинг ижтимоий-сиёсий фаоллигига кенг имкониятлар яратиб беради, — деди депутат Сайидвали Аҳмедов. — Аммо қабул қилинаётган қонунлар қанчалик мукаммал бўлмасин, уларни ҳаётга татбиқ қилиш кўп жиҳатдан аҳолининг ҳуқуқий етуклигига асосланади. Шундай экан, ҳар биримиз қонунлар ва уларда белгиланган ҳуқуқий меъёрларни яхши билишимиз зарур. Бу ижтимоий-иқтисодий муносабатлар янада демократлашувининг асосий шарти, шу билан бирга, муҳим босқичи ҳисобланади.

Шундан кейин сайловчиларга парламент томонидан қабул қилинаётган қонунлар, уларнинг ҳаётимизга қандай таъсир кўрсатиши, парламент ва ундаги ЎзХДП фракцияси фаолияти бўйича атрофлича маълумотлар берилди.

Учрашувда коммунал хизмат сифатини ошириш, касб-ҳунар коллежлари битирувчиларига тадбиркорлик учун кредит ажратиш, фермер хўжаликларида ишлаётган ёшларнинг меҳнат муҳофазаси, аҳоли бандлигини таъминлаш бўйича маҳаллий дастурларнинг ишлаб чиқилиши ва уларнинг ўз вақтида бажарилишига оид қатор саволлар берилди.

Депутат саволларга жавоб бериш билан бирга, яна бир масалага эътибор қаратди:

— Саволлардан кўриниб турибдики, юзага келаётган аксарият муаммоларнинг ечими аввало ўзимизга, жамоатчиликнинг ҳуқуқий билими ва талабчанлигига, аниқ айтганда, мутасадди ташкилотлар билан яхши ҳамкорлик ўрнатишга боғлиқ. Айрим қишлоқ жойларида ҳудудий ривожланиш ва аҳоли бандлигини таъминлаш дастурлари талаб даражасида бажарилмаяпти. Бунга жамоатчилик назоратининг сустлиги ҳам сабаб бўлаяпти. Биринчи навбатда, халқ депутатлари туман ҳамда вилоят Кенгашлари депутатлари ташаббус ва фаоллик кўрсатиши лозим. Биз улар билан узвий ҳамкорликда ишлашимиз зарур.

Шунингдек, Қуйичирчиқ туман ҳокимлиги мажлислар залида аҳоли вакиллари билан ўтказилган учрашув ҳам юқоридаги каби жонли, савол-жавоблар, ўзаро мулоқот асосида ўтди.

**Тўлқин ТЎРАХОНОВ**

## ЎзХДП минтақавий ташкилотларида

# Янгилик оммалашса самарали кучга айланади

**Қўқон шаҳридаги 15-мактаб ўқувчиларининг ота-оналари ЎзХДП шаҳар кенгаши Жамоатчилик қабулхонасига мурожаат қилиб, қишки мавсумга тайёргарлик борасидаги сусткашликдан хавотир бўлишган эди. Мурожаат юзасидан ишчи гуруҳи тузилиб, малакали мутахассислар ҳамкорлигида масала ўрганилди. Аҳолининг ташвишланишида жон бор экан. Иситиш қурилмалари ва синф хоналарини иссиқлик билан таъминлашда камчиликлар аниқланди.**

Партия фаоллари мавжуд муаммони шаҳар ҳокимлиги олдига қўяр экан, уни ҳал этишнинг амалий чоралари бўйича таклиф ҳам киритишди. Шу билан бирга, ЎзХДП депутатлик гуруҳи ишчи гуруҳи билан бирга барча ўқув муассасаларидаги қишки мавсумга тайёргарликни ўрганиб чиқди. Натижада шаҳардаги қатор ўқув муассасаларида бу борада якунланмай қолган ишлар борлиги маълум бўлди. ЎзХДП шаҳар кенгаши таклифлари мутасадди ташкилотлар томонидан муҳокама этилиб, муаммонинг амалий ечимига эришилди.

Яқинда Фарғона вилоят партия кенгаши «Мамлакатимизда кучли ижтимоий сиёсат ўтказишда ЎзХДП ташкилотларининг иштироки» мавзусида семинар ўтказди. Унда партия ташкилотларининг бу жараёндаги иштироки юқоридаги каби аниқ мисоллар асосида муҳокама этилди.

Вилоят партия кенгаши раиси Маҳмуджон Маҳкамов мамлакатимизда ижтимоий-иқтисодий кўрсаткичлар йилдан-йилга ўсиб бораётгани, аммо кучли ижтимоий ҳимоя жараёнида партия фаоллари, аввало, маҳаллий Кенгашлардаги депутатлик гуруҳларининг талабчанлиги етишмаслигини таъкидлади.

Депутат бурчи ва масъулиятини англаш, фаоллигини ошириш ҳамон долзарб масала бўлиб қолмоқда. Вилоятда халқ депутатлари маҳаллий Кенгашларига партиямиздан 238 нафар депутат сайланган. Улар орасида партия ғоялари ва мақсадларидан келиб чиқиб, астойдил ишлаётганлар оз эмас. Аммо афсуски, сайловлардан сўнг унинг номзодини кўрсатган партия ташкилоти билан алоқани узган депутатлар ҳам учраяпти. Ҳолбуки, партия ўз олдига қўйган мақсадларга асосан депутатлар орқали эришади.

Халқ депутатлари Фарғона шаҳар Кенгашидаги партиямиз депутатлик гуруҳи аҳолига транспорт хизмати кўрсатиш сифат масаласини ўрганиб, аниқланган қатор камчиликлар юзасидан шаҳар Кенгашига таклиф киритгач, масъул идораларга расмий сўров юборилди.

Марғилон шаҳар партия кенгаши эса пиллани қайта ишлаш корхонасини зарур хомашё билан таъминлаш масаласига эътибор қаратди. Чунки муаммонинг амалий ечими корхонадаги юз нафар ходимнинг иш ўрни барқарорлиги билан боғлиқ эди.

Бу каби мисолларни қайд этишдан мақсад шуки, бугун вилоятдаги у ёки бу партия ташкилотида муайян ижобий тажрибалар шаклланди. Аммо улар тарқоқ, ўз ҳолича.

Семинар чоғида вилоят кенгаши депутати Зуфаржон Ҳамидов ана шу тажрибаларни умумлаштириш ҳақида фикр билдирди.

Дарҳақиқат, янгилик оммалашсагина самарали кучга айланади.

Биринчидан, ЎзХДП туман, шаҳар кенгашлари ишини ҳар жиҳатдан таҳлил қилиб, барча кенгаш раислари иштирокида жойларда аниқ вазифаларнинг амалий ечимини топишга қаратилган семинарлар ўтказиш лозим. Бунда, аввало, депутатлик ишидаги ижобий тажриба оммалашса, камчиликлари кўрсатилган депутатлар тегишли хулоса чиқариб олади. Натижада партия кенгашлари ва депутатлик гуруҳлари ишининг сифати яхшиланади. Иккинчидан, вилоят, шаҳар, туман партия кенгашлари камида уч ойда бир марта партия депутатлик гуруҳи аъзоларининг ахборотларини тинглаб, таҳлилий ўрганиб бориши керак. Шунда партия номзоди сифатида сайланган депутатнинг масъулияти ошади.

Семинарда партия ташкилотларининг фаоллигини ошириш билан боғлиқ бошқа масалалар ҳам муҳокама қилинди.

**Муҳаммаджон ОБИДОВ,**
**«Ўзбекистон овози» мухбири.**

«Матбуот тарқатувчи» АК 2011 ЙИЛ УЧУН МАТБУОТ НАШРЛАРИГА ОБУНА ДАВОМ ЭТМОҚДА Тел: 233-75-49, сайт: www.akmt., e-mail: info@akmt.uz

# ҲАР ИШДА ИНСОФ ВА МЕЪЁР БЎЛГАНИ ЯХШИ

**Тожикистон раҳбарияти бутун дунёга қоранинг қора эмас, аксинча, оқлигини, ҳаттоки, момиқлигини исбот қилишга бўлган уринишларини ҳайратомуз қайсарлик билан давом эттирмоқда. Улар ўзларининг бундай ғирром тарғиботини «нозик» буюртмаларни бажаришда ғаразли мақсадларни сохта илмий сафсатабозлик билан ниқоблаш йўлидан борадиган «тожик зиёлилари» вакиллари зиммасига юкламоқда.**

Яқинда матбуотда ўзини кимё фанлари доктори, Тожикистон ИФА академиги сифатида тақдим этган Жонон Икромийнинг эълон қилинган мақоласи бундай буюртмали чиқишларга яққол мисол бўла олади.

Мақолада ушбу олим жаноблари ўз буюртмачиларининг гўёки Ўзбекистон — Тожикистон чегараси яқинида жойлашган Тожикистон алюминий заводининг заҳарли чиқиндилари қўшни давлатлар учун мутлақо хавфсиз, Роғун ГЭСи лойиҳаси эса Амударёнинг қуйи қисмида жойлашган барча мамлакатлар учун ҳаттоки, фойдали экани тўғрисидаги куракда турмайдиган фикрларини катта иштиёқ билан ҳимоя қилган.

Авваламбор, Ж.Икромийнинг ушбу муаммога бағишланган «ижод намунаси»ни диққат билан ўрганиб чиққан киши муаллифнинг руҳий соғломлигига шубҳа қилади. Негаки, юксак илмий унвонларга эга бўлишига қарамасдан, унинг мазкур «асари», олимлар ибораси билан беозор қилиб айтганда, мантиққа мутлақо тўғри келмайди.

Масалан, Тожикистон алюминий заводи ҳимоясига бағишланган ўз мақоласида ушбу корхона билан боғлиқ экологик муаммоларга нима учун бунчалик жиддий эътибор берилаётганини КПСС Марказий қўмитасининг ўтган асрнинг 50-60 йилларидаги алюминий ишлаб чиқаришни Ўзбекистонда эмас, балки Тожикистонда ташкил этиш тўғрисидаги қарори ўзбекларга алам қилган, дея изоҳлашга уринади.

Унинг таъкидлашича, «завод ишга тушган дастлабки кундан бошлабоқ, экологик тадқиқотлар ташкил этилган» ва «атмосферага чиқариладиган барча газлар қалин мато орқали ўтказилган» эмиш. Яъни, корхона чиқиндиларининг экологик хавфсизлиги масаласини ушбу заводни лойиҳалаштириш босқичида эмас, балки у ишга туширилиб, мўриларидан қуюқ заҳарли тутун бурқираб чиқа бошлагандан сўнг таҳлил қилишга киришилган. Шу боис бу мўриларга «қалин мато» ташланиб, чиқиндилар устига содали эритма қуйишга қарор қилинган. Тожикистон алюминий заводи ишга туширилган 1975 йилда совет технологиялари ривожи ҳамда совет ҳокимиятининг атроф-муҳит муҳофазаси масалаларига муносабати ана шу даражада эди.

Таассуфки, бугун ҳам, орадан 35 йил вақт ўтган бўлса-да, Тожикистон раҳбарияти ана шу алмисоқдан қолган технологияга ёпишиб олиб, Тожикистон алюминий заводининг экологияга, Тожикистон ва Ўзбекистон халқлари яшайдиган ҳудудларга етказаётган зарарига бепарволик билан қарашини намойиш этмоқда. Яна бир ачинарли томони шундаки, юксак олимлик даражасига эга Ж.Икромий Тожикистон алюминий заводи чиқиндиларининг зарарсизлигини исботлашга уринар экан, завод мўрисига кийдириладиган мато қоп парчасини далил сифатида келтиради. Бундан кўриниб турибдики, ушбу «академик» нафақат оддий муҳандислик маълумотига, балки соғлом фикрлаш қобилиятига ҳам эга эмас.

Ж.Икромийнинг «кашфиётлари» бу билан тугамайди. Унинг таъкидлашича, Ж.Икромий ишлайдиган лабораторияда олиб борилган экологик тадқиқотларда экологик зарарли зона завод атрофи бўйлаб 6 километрлик радиусни эмас, балки 120 километрлик майдонни, «Ўзбекистоннинг бор-йўғи 60 километрлик ҳудудини» қамраб олиши аниқланган, «шамолнинг йўналиши текширилганда эса шамол фақат шимоли-шарқий йўналиш бўйича, яъни Тожикистон томонга эсиши исботланган». Бир-бирига мутлақо зид бундай гаплар тожикистонлик ушбу академикнинг фикрлари мантиққа асло тўғри келмаслигини кўрсатади.

Бундан ташқари, нима учун Тожикистон алюминий заводидан «атиги» 120 километрлик радиусда яшайдиган ўзбекистонлик фуқаролар ўтган асрнинг 50-60 йилларида ишлаб чиқилган технологиялар асосида ишлайдиган ва ўз чиқиндиларини «қалин мато»дан ўтказиш орқали тозалайдиган бундай корхонанинг заҳарли тутунидан нафас олишлари керак? Негадир Ж.Икромийни заҳарли чиқиндиларнинг кўп йиллардан буён одамлар соғлиғига етказаётган зарари эмас, балки заводнинг шу ҳудуддаги чорва молларига етказаётган зарари кўпроқ ташвишга солади. Шу боис у завод атрофидаги яйловларда чорва молларини боқишни тақиқлаб қўйишни таклиф этади.

Қизиғи шундаки, унинг мақоласини ўқиганингиз сари кўпроқ ёқа ушлайсиз. Ж.Икромий «чанг-тўзон ва газларнинг ажралиб чиқиш механизмини тушуниш учун» газетхонларга «технологик жараённинг айрим элементларига эътибор қаратиш»ни таклиф этади. Газетхон саҳифаларни қизиқиш билан варақлар экан, Ж.Икромий мақоласининг навбатдаги икки саҳифасида Тожикистондаги алюминий оксиди захиралари, Тожикистон алюминий заводи четдан келтириладиган эмас, ана шу маҳаллий хомашё асосида ишлаганида қанча маблағ тежаб қолиниши мумкинлиги ҳақидаги узундан-узоқ фикр-мулоҳазаларга дуч келади. Юқорида зикр этилган «технологик жараённинг айрим элементлари» ҳақида эса лом-мим демайди, бунга олимнинг «қалами ожизлик қилади».

Мақола ўзбекистонлик экологларга панду насиҳатлар ўқиш билан якунланган. Унинг «доно» фикрича, гўёки, Ўзбекистондаги барча экологик ўзгаришларга «сув тақчиллиги» сабаб бўлиб, тупроқдаги зарарли аралашмалар эса Ўзбекистон ҳудудидаги корхоналарнинг технологик чиқиндилари туфайли пайдо бўлаётган эмиш... Шунинг учун Ўзбекистон экологлари «айбни Тожикистон томонига ағдармасдан, ўз корхоналарини текширишлари шарт ва мажбур» эмиш.

Аввало шуни таъкидлаш жоизки, нафақат ўзбекистонлик экологлар, балки оз-моз саводи бор одам ҳам Ўзбекистоннинг Тожикистон алюминий заводи чиқиндилари билан зарарланган ҳудудларида нима сабабдан фторли водород ва фторли водород бирикмаларининг юқори даражада тўпланиб қолаётганини тушуна олади. Фторли водород таркиби (фторга ҳисобланганда) халқаро нормаларга биноан бир куб метр ҳавода 0,005 миллиграммдан ошмаслиги керак ва бу сувнинг бор-йўқлигига мутлақо боғлиқ эмас.

Эҳтимол, профессор Ж.Икромий ўзининг мазкур мақоласини бошқа хавфлар билан бирга наркотик таъсир кучига эга бўлган ушбу газ таъсири остида ёзмаганмикин, деган иштибоҳ туғилади кишида... Акс ҳолда кимё фанлари докторининг фаол бирикма ҳисобланган фторли водород ҳаводаги нам билан тез бирикиб, Ўзбекистон учун ҳеч қандай зарар етказмайдиган кислотага айланади, деган фикрини қандай изоҳлаш мумкин?

Аслида эса, фторли водороднинг ҳаводаги нам билан бирикиши натижасида ғоятда заҳарли кислота ҳосил бўлади. У қон ва қон ҳосил қилувчи органлар, овқат ҳазм қилувчи тизим ўзгаришига, ўпка шишишига олиб келадиган ўткир ҳамда сурункали заҳарланишга сабаб бўлиши мумкин. Мазкур кислота кўз териси ва шиллиқ пардасини ишдан чиқаради, тери-резорбтив, эмбриотроп, мутаген ҳамда кумулятив таъсирга эга. Қалқонсимон безда тўпланади ва уни издан чиқариб, эндемик буқоқ касаллигига сабаб бўлади. Ушбу модда атроф-муҳит учун энг хавфли заҳарлар сирасига киритилган.

Таъсир кучи ўткир мазкур кислота ва унинг эрийдиган тузларининг заҳарлилиги шундаки, эркин фтор ионлари эримайдиган тузда кальций ва магнийнинг биологик муҳим ионларини бириктириш хусусиятига эга. Махсус антидотлар деярли йўқ. Шу боис одам терисига фторли водороднинг ҳалокатли дозаси тушганида, инсон таркибида наркотик моддалар бор препаратлар ёрдамида бор-йўғи бир неча кун яшаши мумкин. Лекин уни қутқариб қолишнинг иложи йўқ.

Фтор ва ноорганик фторидлар кимёси соҳасида докторлик даражасига етган олим одам, наҳотки, фторли водороднинг бундай хавфли томонларини билмаса? Бу олимнинг ўз илмий обрўсига путур етказадиган бундай хом-хатала мақолаларни ёзишини Тожикистон алюминий заводи Тожикистон ва Ўзбекистон атроф-муҳитига етказаётган катта зарарга атайлаб панжа орасидан қараётган ва ушбу корхонанинг бугунги ҳолатда ишлашидан бевосита манфаатдор шахсларнинг ноғорасига ўйнаётгани билангина изоҳлаш мумкин.

*ЭҲТИМОЛ, ПРОФЕССОР Ж.ИКРОМИЙ ЎЗИНИНГ МАЗКУР МАҚОЛАСИНИ БОШҚА ХАВФЛАР БИЛАН БИРГА НАРКОТИК ТАЪСИР КУЧИГА ЭГА БЎЛГАН УШБУ ГАЗ ТАЪСИРИ ОСТИДА ЁЗМАГАНМИКИН, ДЕГАН ИШТИБОҲ ТУҒИЛАДИ КИШИДА... АКС ҲОЛДА КИМЁ ФАНЛАРИ ДОКТОРИНИНГ ФАОЛ БИРИКМА ҲИСОБЛАНГАН ФТОРЛИ ВОДОРОД ҲАВОДАГИ НАМ БИЛАН ТЕЗ БИРИКИБ, ЎЗБЕКИСТОН УЧУН ҲЕЧ ҚАНДАЙ ЗАРАР ЕТКАЗМАЙДИГАН КИСЛОТАГА АЙЛАНАДИ, ДЕГАН ФИКРИНИ ҚАНДАЙ ИЗОҲЛАШ МУМКИН?*

Тожикистон иқтисодиёти ва халқи учун Тожикистон алюминий заводи стратегик муҳимлиги ҳақида чиройли сўзларни ўзига ниқоб қилиб олган бундай буюртмачилар корхонадан келаётган барча даромадни оффшор зоналарга ўтказиб юбормоқда. Аслида эса бундай кимсаларни Тожикистон халқининг иқтисодий ночор аҳволи, катта даромад келтирадиган мазкур корхона чиқараётган заҳарли чиқиндилар сабабли ўз аҳолисининг, айниқса, қўшни мамлакат аҳолисининг турли касалликларга чалинаётгани ва организмида тузатиб бўлмас ўзгаришлар юз бераётгани заррача ҳам қизиқтирмайди.

**Алишер ЁҚУБОВ.**

*(Манба: — http:// www.2shanbe.tj)*

Хорижда

## Сайлов натижалари эълон қилингач

*тўс-тўполон бошланди*

**Маълумки, 28 ноябрда Гаитида биринчи тур президент сайлови бўлиб ўтган эди. Куни кеча унинг натижалари эълон қилинди ва пойтахт шаҳар Порт-о-Пренсда оммавий тартибсизликлар бошланди.**



ИТАР-ТАСС ахборотида қайд этилишича, иккинчи тур сайловига чиқа олмаган номзод — таниқли мусиқачи Мишел Мартеллининг минглаб тарафдорлари кўчаларга чиқиб, оммавий тартибсизликларни юзага келтирган: автомобиллару маъмурий биноларга ўт қўйган. Натижада 2 киши ҳаётдан бевақт кўз юмган.

Мамлакатнинг амалдаги президенти Рене Преваль ҳуқуқни муҳофаза қилиш органларига ва БМТнинг мамлакатдаги тинчлик кучларига мурожаат этиб, тартиббузарликларни тезроқ тўхтатиш учун кучайтирилган чоралар кўришга чақирди.

Биринчи тур сайлови натижаларига кўра, мухолифат вакили Мирланд Манига 31,37 фоиз, ҳукмрон коалициядан номзод Жюд Селестен 22,48 фоиз овоз олиб, иккинчи турга чиқди. Мишел Мартелли эса 21,84 фоиз овоз олди, холос.

Мамлакат қонунчилигига кўра, энг кўп овоз олган икки номзод иккинчи тур сайловида қатнашиш ҳуқуқини қўлга киритади.

Иккинчи тур президент сайлови 2011 йил 16 январга белгиланган.

## Янги йил байрами олдидан

*назорат кучайтирилиши лозим*

**Россия Фавқулодда вазиятлар вазири Сергей Шойгу мамлакат субъектларидаги мазкур соҳа ходимларини Янги йил байрамини ўтказишга тайёргарлик кўриш асносида ёнғин хавфсизлиги масаласига алоҳида эътибор қаратиш ва кўнгилсиз ҳодисаларнинг олдини олиш учун назоратни янада кучайтиришга чақирди.**



Вазирнинг айтишича, дейилади ИТАР-ТАСС ахборотида, Янги йилни кутиб олиш даврида, яъни Янги йил тантаналарида одатдаги кунларга қараганда фожиалар юз бериши уч бараварга ортиб кетади. Алкоголь ичимликлардан маст бўлиш, пиротехника воситаларидан нотўғри фойдаланиш ва даврани қиздириш учун олов ёқиш фожиалар юз беришининг асосий сабаблари бўлиб қолмоқда.

Одатдаги кунларда мамлакат бўйича айнан ёнғиндан нобуд бўлиш кўрсаткичи ўртача 32 кишини ташкил этса, Янги йил байрамларида бу кўрсаткич ўртача 100 нафарга чиқмоқда. Масалан, 2010 йилни кутиб олиш чоғида 117 киши айнан ёнғин чиқиши оқибатида нобуд бўлган.

Янги йил байрамларида уйларда ёнғин чиқиш ҳолатлари эса икки бараварга ортиб кетмоқда. Шу боис вазир фавқулодда вазиятлар ходимларига ички ишлар ходимлари билан ҳамкорликда Янги йил тадбирлари олдидан назоратни кучайтириш ва рейдлар ўтказиш ҳақида кўрсатма берди.

**Кўзбўямачилик**

**Сафарбой Эгамбердиев Питнак шаҳар Саримой қишлоқ фуқаролар йиғини котиби вазифасида ишлаб келган. 2008 йил 20 майда гўё Шаҳло исмли қизи туғилгани тўғрисида сохта ҳужжат тайёрлаб, оиласида уч нафар фарзанди борлиги боис нафақа тайинлашни сўраб, турмуш ўртоғи номидан қишлоқ фуқаролар йиғини раиси номига ариза билан мурожаат қилади.**

# Туғилмаган болалар... номига нафақа

## ёки сохтагарчиликнинг кўз кўриб, қулоқ эшитмаган усули ҳақида

Нафақа тайинлаш комиссияси ҳам дарҳол унинг аризасини қаноатлантиради. Нега қаноатлантирмасин? Бир идорада ишлаётган бўлишса...

Шундай қилиб, С.Эгамбердиев қисқа фурсатда 194193 сўм нафақа пулини қуртдек санаб олади ва ўз ҳузур-ҳаловатига ишлатиб юборади...

Ушбу қишлоқ фуқаролар йиғинида умумий бўлим мутахассиси бўлиб ишлаётган Дурдибой Худойбердиевнинг ҳам ҳамкасбидан ортда қолгиси келмайди. 2008 йил 12 августда «дунёга келган» Гувонч исмли қизи ва олдин туғилган икки нафар фарзандига нафақа олиш пайига тушади. Турмуш ўртоғи Ш.Оллоёровага билдирмай ҳужжат тайёрлайди Ва... албатта унинг ҳам юмуши тез битиб, қисқа фурсатда 853550 сўм миқдоридаги пулни ўзлаштиради...

Янада қизиғи, худди шу санада ушбу қишлоқда истиқомат қилаётган фуқаро М.Эгамберганова хонадонида ҳам «янги меҳмон» дунёга келади ва унга Д.Худойбердиев Дилдора деб исм тақаб, туғилиш гувоҳномаси ёзиб... кўп ўтмай ҳеч нарсадан бехабар М.Эгамберганова номидан комиссия номига ариза битиб, барча ҳужжатларни бинойидек тайёрлаб... қарабсизки, қисқа вақт ичида 913530 сўмни чўнтакка уради.

Маълумки, мамлакатимизда ижтимоий ҳимоя масаласи давлат сиёсатига айланган. Айниқса, кўп болали оилаларга давлатимиз томонидан ҳар томонлама моддий ёрдам берилмоқда. Президентимизнинг «Болали оилаларни давлат томонидан қўллаб-қувватлашни янада кучайтириш тўғрисида»ги Фармони ва ҳукуматимиз қарорига асосан Низом ишлаб чиқилган. Қишлоқ фуқаролар йиғинларида шу муносабат билан ташкил қилинган комиссиялар ушбу низом асосида болали оилаларга мунтазам нафақа тайинлашни амалга оширмоқда.

Саримой қишлоқ фуқаролар йиғини раиси Режеп Жумаев, унинг котиби Сафарбой Эгамбердиев ва умумий бўлим мутахассиси Дурдибой Худойбердиев ушбу ҳудудда кўп болали оилалар фарзандларига нафақа тайинлашга масъул мансабдор шахслар ҳисобланади. Айни пайтда ўз оилаларида кўп бола бўлса барча қатори давлатимиз томонидан амалиётга айлантирилган ижтимоий ҳимоя-нафақа олишга ҳақлилар. Аммо бир «лекин»и бор. Фақат барчаси қонуний бўлсагина!

Юқорида эслатилган «Дилдора Яхшиликова», «Шаҳло Султонова» ва «Гувонч Маметдурдиева»лар ҳам бу ҳуқуққа эга. Қачонки... дунёга келишган, яъни туғилган бўлишса!

Бу ўринда эса... мансабдор шахслар ҳужжат сохтакорлигига йўл қўйишган. Янада тўғрироғини айтсак, туғилмаган чақалоқларга сохта ҳужжатлар тайёрлашган. Буни ғаразли мақсадда атай амалга оширишган.

Юқорида эслатилган учала она икки йил муқаддам «туғишгани»ни тергов жараёнидагина билиб қолишди.

Мазкур мансабдор шахслар давлатимиз ғазнасига мунтазам кўз олайтириб келишган. З.Матёқубова, Д.Ибраҳимова, Ф.Эгамберганова каби кўп болали оналар номидан сохта аризалар ёзиб, ҳужжатлар тўғрилаб, мўмай пул эгаси бўлишдан тортиб, нафақа тайинлаш зарур бўлган оилаларга белгиланган мезонлардан юқори бўлган нафақа тайинлаш ва бу билан икки ўртада «хизмат ҳақи» ундириш ҳолатларини яна келтириш мумкин.

Бу «учлик»ка Халқ банкининг Питнак филиалига қарашли 6-шохобча кассири О.Самандаров ҳам қўшилади. Уни қўшмай иложлари йўқ. Сохта ҳужжатларни тўғрилаш билангина иш битмайди. Кўзланган мақсад — беминнат пулни олиш керак! Нафақа пулини эса кассир беради. Худо кўрсатмасин, кассир қайсарлик қилиб: «Нафақани қонуний тартибда тайинланган онанинг ўзига бераман!» — деб туриб олса-я! Унда барча ҳаракатлари чиппакка чиқади-ку!

Шундай қилиб, Р.Жумаев бош бўлган гуруҳ бир ярим йил ичида ўз мансаб вазифасидан фойдаланиб, ўзига ишониб топширилган ва ихтиёрида бўлган Ўзганинг кўп миқдордаги мулкини ўзлаштириш, талон-торож қилиш, мансаб сохтакорлиги, яъни мансабдор шахснинг ғаразгўйлик ва бошқа манфаатларни кўзлаб, расмий ҳужжатларга била туриб, сохта маълумотлар ва ёзувлар киритиш жиноятларини содир қилдилар.

Бу эса уларни ҳақли равишда суднинг «қора курси»сига ўтқазди. Қилмишларига яраша жазо олишди. Ҳамқишлоқлари орасида юзлари қора бўлди.

Ўзганинг ҳақига хиёнат қилишнинг ўзи катта гуноҳ ҳисобланади. Ёрдамга муҳтожлар учун ажратилган маблағга кўз олайтирган, норасида гўдаклар рисқини ўғирлаганлар гуноҳи азимга ботмайдими? Бундай қабиҳ ишга қўл урганларни ким деб аташ мумкин?..

**Султонбой ХЎЖАМУРОТОВ,**
**Жиноят ишлари бўйича Хоразм вилоят судининг раиси,**
**Рўзимбой ҲАСАН,**
**«Ўзбекистон овози» мухбири.**

Qishloq Qurilish Bank

ОАТБ «Қишлоқ қурилиш банк»

Фарғона вилояти, Фарғона шаҳри, М.Қосимов кўчаси, 139-уй манзилгоҳида жойлашган «SILK MANUFACTURE» МЧЖ шўъба ишлаб чиқариш корхонаси мулкини ва ушбу корхонага киритилган инвестицияларини баҳолаш учун аудиторлик ва мустақил баҳоловчи компаниялар ўртасида конкурс эълон қилади.
Танлов иштирокчилари ўз тижорат таклифларини қуйидаги манзилга ёпиқ конвертда топшириши шарт.
Конкурсда қатнашиш учун таклифлар эълон чиққан кундан бошлаб 10 кун давомида қабул қилинади.

*Қўшимча маълумотлар учун:*
100060, Тошкент ш, Шаҳрисабз кўчаси, 36-уй.
Телефонлар: +998-71-233-90-43, 236-14-17

«Ўзстандарт» агентлиги жамоаси агентлик ҳузуридаги алкоголли маҳсулотлар сифати бўйича давлат инспекцияси бошлиғи А.Б.Умаровга акаси **Яхшилик БАРАТОВ**нинг вафоти муносабати билан чуқур ҳамдардлик изҳор қилади.

«Матбуот тарқатувчи» АК 2011 ЙИЛ УЧУН МАТБУОТ НАШРЛАРИГА ОБУНА ДАВОМ ЭТМОКДА Тел: 233-75-49, сайт: www.akmt., e-mail: info@akmt.uz

## Сиз кутмаган суҳбат




# Оғир вазиятга тушсангиз...

## *Психологга боришни кечиктирманг!*

**Ҳар иккаласи ўқимишли, ҳаётда ўзларига яраша ўрни бўлган оилавий жуфтлик жар ёқасига келиб қолди. Эркак ва аёл энг мақбул йўл — ажрашиш, деган қарорга келди.**

— Балким, психологга бориб кўрармиз, — истар-истамас, шунчаки таклиф қилди эр.

— Етти йил бирга яшаганимиз ҳаққи-ҳурмати, турмуш ўртоғим сифатида охирги илтимосингизни қабул қиламан, — деди хотин.

Биргаликда психолог ҳузурига келишди. Уларнинг муаммосини тинглаган психолог «даво» чораларини, усулларини белгилаб олди.

— Энг аввало, дилингиздаги гапларни, аламингиз, гина-кудуратингизни тўкиб солинг. Ҳар қайсингизга ўн дақиқа вақт бераман. Шарт шуки, бир-бирингизни бўлмай, эшитасиз.

Ҳамма гап айтилди: нима учун ўзаро суҳбат бошланса, жанжалга айланишини тушунмасликлари, аёлнинг оилага эътиборсизлиги, эркакнинг бир қиз билан интернет орқали гаплашиб туриши...

Албатта, гиналар баёни белгиланган вақтдан анча ўтиб кетди. Аммо ҳар иккаласи ҳам бир-бирининг дилидагини билиб олишди. Психолог ҳузурига кейинги суҳбатга катта хоҳиш билан келишди. Психолог учинчи марта ўтказган мулоқотида эр-хотиннинг кўзларида қувонч, ўзаро ишончни кўрди.

Бир неча сеансдан кейин бу жуфтлик «Ника» психологик клиникаси ходими Ульяна Переплётчиковага миннатдорчилик билдириб, ўз кундалик ҳаёти ва ташвишларига шўнғийдилар. Улар яна бу мутахассис ёрдамига муҳтож бўлишадими ёки йўқми — буни ҳаёт кўрсатади. Ульянанинг қабулига эса янги-янги мижозлар келаверади. Зеро, тезкор замонда яшаяпмиз. Турли вазиятлар, тушкунликлардан ҳеч ким кафолатланмаган. Фақат ана шундай пайтда кимдир тушунган ҳолда психолог ҳузурига келади, кимдир эса...

— Фалончини қаранг, дилимни оғритди, — бир дугонам умумий танишимизнинг устидан арз қилди. — Унга дардимни айтсам, психологга боринг, дейди-я?! Вой, мен ақлдан озибманми? Руҳий хастага ўхшайманми ё? — ўзи ҳам шубҳаланиб гап оҳангини ўзгартиради.

Боғчадан тортиб турли ўқув муассасаларида, поликлиникаларда психолог хизмати йўлга қўйилган бўлишига қарамасдан, юртимизда бирин-кетин турли психологик клиникалар очилиб, фаолият кўрсатаётган бўлса ҳам, афсуски, «психолог» ва «психиатр» тушунчаларини бир томонлама қабул қиладиган кишилар орамизда оз эмас.

— Психиатр руҳий хасталикларни ташхис қилиш ва даволаш соҳаси мутахассиси. Тиббий воситалар орқали даволаш методлари билан бирга, психотерапиянинг турли усулларидан ҳам фойдаланади. У руҳиятида жиддий ўзгаришлар бўлган руҳий хаста беморлар билан ишлайди.

Психолог эса психология бўйича маълумотга эга мутахассис. У руҳий тўлғамадаги одамлар билан ишлаб, уларга ўзини ва ўзгаларни тушунишда, руҳий-эмоционал ҳолатларни бошқаришда, турли қийин вазиятларда қандай ҳаракат қилиш лозимлигини аниқлашда ёрдам беради, — дейди Ульяна Вячеславовна.

Ихтисослашувига қараб ижтимоий, саноат, ҳуқуқий, ҳарбий, экологик психологлар ўз йўналишлари бўйича иш олиб боради. Уларнинг иш услублари бир-биридан фарқ қилгани билан ҳаммаси учун умумий бўлган қоидалар бор.

— Биз сеҳргар эмасмиз, — дейди табассум билан Ульяна. — Мижоз билан суҳбат, ўрганиш орқали унинг психо-физиологик ва ҳиссий ҳолатини, психологик муаммоларини, характери профессионал, объектив баҳолаймиз. Бу бизнинг ўзига хос ташхисимиздир. Бу ташхис бизга инсоннинг муаммоларини ҳал этишда тўғри йўл кўрсатишимизда қўл келади. Унга маслаҳат берганда ҳам муаммони ҳал этишнинг бир неча йўлларини кўрсатамиз, танлашни ўзига қўйиб берамиз ва унинг кучи, қобилиятларини вазиятдан чиқишга сарф этишда кўмаклашамиз, холос. Бу ишни бажаришни асло ўз зиммамизга олмаймиз. Аксинча, мижозга ўз масъулиятини тушуниб олишига ёрдам берамиз, холос.

Айтайлик, «Эрим мендан совиб кетди, уни қайтаринг», деган илтимосни биз бажара олмаймиз. Ўша аёл бор дардини тўкиб-солиб, бизнинг ёрдамимизда хатоларини тушуниб, эрини қайтариш учун ўзи курашга чоғлансагина мақсадига эришиши мумкин.

«Кичкинтойимиз жуда инжиқ, асабий», — баъзан ёш ота-оналар ҳайрон бўлишади. Оиладаги муҳит, шарт-шароитни ўрганиб, бунинг сабабларини аниқлагандан кейингина бола билан шуғуллана бошлаймиз. Кўпинча бу жараёнда ота-оналар ҳам ўзларини ўзгартириши лозим бўлади.

«Умрим бўйи болаларимнинг тўкис яшаши учун тер тўкдим. Қариганимда фарзандларим эътиборидан четда қолдим, улар мени тушунмаяпти», — гоҳида кўпни кўрган кексалар ҳам хизматимизга муҳтож бўлишади.

Биз ҳаммани диққат билан тинглаймиз. Дарвоқе, сабр ва диққат билан тинглай олиш қобилияти психологнинг асосий сифатларидан биридир.

Шу ўринда, кўнглимдаги саволни беришдан ўзимни тўхтатолмадим.

— Психолог асосан эшитар экан, дардингизни дўстингизга айтиб ҳам енгил тортишингиз мумкин-ку?

— Ундай қилсангиз ҳам бўлади. Ҳатто бу яқин одамингиз ўз тажрибасидан келиб чиқиб маслаҳат ҳам бериши мумкин. Фақат ҳаётдаги бир хил вазиятлар иштирокчиси турли психологик ҳолатдаги, турли характердаги инсонлар эканини унутманг. Вазиятдан чиқиш йўлларини профессионал малакага эга психологгина кўрсатиши мумкин, — жавоб беради суҳбатдошим.

Дарвоқе, психолог хизматига жамоа бўлиб ҳам мурожаат этишаётган экан. Бир корхона раҳбари қўл остидагилар орасида ўзаро ғийбат, миш-мишлар кўпайгани, бу эса иш сифатига салбий таъсир қилаётганини туфайли ташвишланиб ёрдам сўраб келибди. Жамоада ўтказилган гуруҳга бирлаштириш тренинглари катта самара берибди. Ўша корхона раҳбари психолог машғулотлари учун маблағ ва вақт ажратганидан пушаймон эмаслигини билдирди.

Инсонмиз, ҳаётда турли вазиятларга дуч келамиз. Тушкунлик, нафрат, ўч олиш, адолатсизлик, чорасизлик...

Мана шундай ҳолатларда эса ҳамиша ҳам тўғри қарор қабул қилавермаймиз. Нима қилмоқ керак? Балким, психологга борарсиз?..

**Шарофат ЙЎЛДОШЕВА,**
**«Ўзбекистон овози» мухбири.**

# Тил ойлиги —

## *тил бойлигига хизмат қилмоқда*

**Халқ таълими вазирлигининг «Умумтаълим муассасаларида фан ойликларини ўтказиш тўғрисида»ги буйруғига асосан Тошкент шаҳридаги умумий ўрта таълим мактабларида ноябрь — «Рус тили ва адабиёти ойлиги» деб белгиланган эди.**

— Мазкур ойликни ташкил этишдан кўзланган асосий мақсад мактабларимизда таълим сифатини ошириш, хусусан, дарс жараёнида қўлланиладиган тил ўқитиш услубларини янада такомиллаштиришдан иборат, — дейди Тошкент шаҳар халқ таълими бош бошқармаси методика маркази мутахассиси **Саидаҳрор Сейткомилов.** — Бунинг учун ўтган ой мобайнида пойтахтимиздаги барча мактабларда турли ижодий ташкилотлар ҳамкорлигида тилшунос олимлар, шоир ва ёзувчилар билан учрашувлар уюштирилди.

Ўқувчилар ўртасида «Менинг оилам», «Энг яхши деворий газета», «Компьютер ва интернет фақат билим учун», «Рус тили менинг ҳаётимда», «Кичик нотиқ», «Ўзбек ҳамда рус эртакларининг ўхшаш жиҳатлари», «Мақоллар ва маталлар» каби мавзуларда турли ижодий танловлар ташкил қилинди.

Пойтахтимиздаги 17-мактабда мазкур танловларнинг якуний босқичи бўлиб ўтди. Унда рус тили ва адабиёти ойлигида фаол иштирок этган мактаб ўқувчилари турли кўринишдаги саҳна чиқишларини намойиш этишди.



— Тадбирнинг жонли ташкил этилиши ўқувчиларимизни янада фаол бўлишга ундайди, — дейди Миробод туманидаги 218-мактабнинг рус тили фани ўқитувчиси **Маҳлиё Ҳайдарова.** — Бу орқали фарзандларимизда умуминсоний қадриятларга меҳр уйғонади, дунё адабиёти ва маданиятига қизиқиш пайдо бўлади. Мазкур ойлик мобайнида бир яхши анъанани шакллантиришга ҳаракат қилдик. Унга кўра, ҳар бир хонадонга бир ой давомида камида учта китоб кириб боради.

— Иншо бўйича ўтказилган танловга тайёргарлик пайтида бир неча китоблар ўқидим, — дейди Юнусобод туманидаги 250-мактаб ўқувчиси Тўлқинхўжа Юнусхўжаев. — Натижада сўз қўллашнинг кўплаб қоидаларини ўргандим.

Тадбир сўнггида сўз бойлиги ва ижодий қобилиятини намойиш этган ўқувчилар ҳамда рус тили ва адабиётини ўқитишда ноанъанавий усуллар ишлаб чиққан ўқитувчиларга халқ таълими бош бошқармасининг фахрий ёрлиқ ва махсус дипломлари топширилди.

**Тўлқин ТЎРАХОНОВ,**
**«Ўзбекистон овози»**
**мухбири.**

## Солиқ тизимида

# Давлат солиқ хизмати органлари

## *олдида турган вазифалар атрофлича муҳокама этилди*

**Давлат солиқ қўмитаси ҳайъатининг навбатдаги кенгайтирилган йиғилиши бўлиб ўтди. Уни Давлат солиқ қўмитаси раиси Б.Парпиев олиб борди.**

Йиғилишда асосий эътибор Президентимиз Ислом Каримовнинг 2010 йил 12 ноябрь куни бўлиб ўтган Олий Мажлис Қонунчилик палатаси ва Сенатининг қўшма мажлисидаги «Мамлакатимизда демократик ислоҳотларни янада чуқурлаштириш ва фуқаролик жамиятини ривожлантириш концепцияси» мавзуидаги маърузасидан келиб чиқадиган вазифаларга қаратилди.

Президентимиз маърузасида ўтган даврда мамлакатимизни ижтимоий-иқтисодий ривожлантириш, бозор иқтисодиётининг асосларини, авваламбор, қонунчилик базасини шакллантириш йўлида қилинган ишлар ва улкан ўзгаришлар таҳлил этилиши билан биргаликда демократик бозор ислоҳотлари ва иқтисодиётни либераллаштиришни янада чуқурлаштириш йўналишида амалга оширилиши зарур бўлган муҳим стратегик вазифалар белгилаб берилди.

Ҳайъат йиғилишида ана шулардан келиб чиқиб, юртимизда амалга оширилаётган ислоҳотларнинг изчиллигини ҳамда уларнинг энг замонавий бозор меъёрларига мувофиқлигини таъминлаш, иқтисодиётни бошқариш тизимини янада чуқурлаштириш, такомиллаштириш ва либераллаштириш бўйича билдирилган таклиф ва йўналишлар ижросини таъминлашда Давлат солиқ хизмати органлари олдида турган вазифалар атрофлича муҳокама этилди ва давлатимиз раҳбарининг дастурий маърузасида кўрсатилган вазифаларни ижро этиш бўйича чора-тадбирлар белгиланиб, аниқ режалар ишлаб чиқилди.

Шунингдек, Президентимизнинг жорий йилнинг 8 январдаги «Республика солиқ органлари тизимини янада модернизация қилиш чора-тадбирлари тўғрисида»ги қарори ижроси юзасидан Тошкент шаҳри, Қашқадарё ва Сирдарё вилоятларида олиб борилган ишлар ва 2011 йилда бажариладиган чора-тадбирлар, шунингдек, солиқ органларининг 2010 йил 11 ойлик фаолияти якунлари ҳамда йилни муваффақиятли якунлаш борасида амалга оширилиши зарур бўлган вазифалар белгилаб олинди.

Ҳайъат йиғилишида солиқ қарзини мажбурий ундиришга қаратилган чора-тадбирларнинг натижалари танқидий кўриб чиқилди. Жойларда мавжуд камчиликларни бартараф этишга қаратилган қўшимча чора-тадбирлар белгиланди.

Республикада нақд пул муомаласи жараёнини такомиллаштириш ва пул маблағларининг банкдан ташқари айланиши ҳажмини қисқартириш юзасидан давлат солиқ хизмати органлари томонидан олиб борилаётган ишларнинг аҳволи Қашқадарё ва Сурхондарё вилоятлари мисолида кўриб чиқилди ҳамда бу йўналишдаги ишларни янги босқичга кўтариш лозимлиги таъкидланди.

**Давлат солиқ қўмитаси**
**Ахборот хизмати**

## Шарҳловчи минбари

# Оқ акуланинг қора қилмиши

**Дунёнинг энг машҳур дам олиш масканларидан бири бўлган Шарм ал-Шайх сиҳатгоҳи қишда мўътадил иқлими ва Қизил денгиз соҳилларидаги илиқ суви билан кўпчиликни ўзига тортади.**

Қишда мазкур масканда уч миллиондан ортиқ одам дам олади. Уларнинг кўпчилиги денгизда чўмилишни ёки қуёшда тобланишни хуш кўради.

Шу кунларда мазкур дам олиш масканида таҳликали ҳолат ҳукм сурмоқда. Асосан денгиз тубида яшайдиган оқ акула соҳилда чўмилаётган сайёҳларга кетма-кет ҳужум қилаётир. Оқ акула ҳужумидан ўтган ҳафтада уч россиялик ва бир украиналик жабрланган бўлса, сешанба куни яна бир германиялик сайёҳ ҳалок бўлди. Соҳилда чўмилиш вақтинча тақиқланди.

— Соҳилда шовқин овози эшитилди, — дейди қаҳвахона ишчиси Муҳаммад Рашод. — Қарасам, бир оёғи қонга ботган киши денгиздан эмаклаб чиқиб келаётир. Сув қип-қизил қон эди. Шундан сўнг одамлар уни меҳмонхонага олиб киришди. Кўпчилик сайёҳлар ваҳимага тушиб, уйига қайтиб кетмоқда. Бунинг оқибатида сайёҳлик компаниялари катта зарар кўраётир.

Хабарларга қараганда, қонхўр акулани овлаш учун АҚШ ва Австралиядан овчилар чақирилган. Уни овлаш осон кечмаслиги аниқ, чунки узунлиги тўрт метрча келадиган оқ акулалар денгиз тубида яшайди.

Британияда жойлашган Океания илмий текшириш маркази мутахассиси Ричард Пьернинг айтишича, оқ акулаларнинг соҳилда ов қилиши кутилмаган ҳолатдир. Илгари бундай акулалар томонидан инсонларга ҳужум қилиш ҳолати тўққиз марта кузатилган ва асосан очиқ денгизда содир бўлган. Оқ акулалар туна балиғи ва майда денгиз жониворлари билан озиқланади.

Сўнгги ўн йил ичида бу ерда сайёҳларни жалб қилиш мақсадида жуда катта қурилиш ишлари амалга оширилган эди. Натижада Қизил денгизнинг бой сув ости ҳайвонот дунёси муайян миқдорда зарар кўрди. Табиатан анча хотиржам оқ акуланинг сайёҳларга ҳужумлари инсон томонидан келтирилган мана шундай талофотларга қарши исён бўлса, ажаб эмас.

**Бунёд АБДУЛЛАЕВ,**
**(ЎзА)**





ВНИМАНИЮ РУКОВОДИТЕЛЕЙ
ОРГАНИЗАЦИЙ И ПРЕДПРИЯТИЙ!

**Государственное унитарное предприятие**
**«TOSHKENT XALQARO AEROPORTI»**
*объявляет открытый тендер по приобретению пассажирских посадочных кресел.*

Сроки проведения тендера — 15 декабря 2010 г. по 14 января 2011 г. Заявки на документацию (техническую и коммерческую часть) по тендеру будут приниматься по 31 декабря 2010 г. (до 15.00, время ташкентское).

Прием тендерных предложений — по 14 января 2011 г. включительно (до 16.00, время ташкентское).

Организации и предприятия, желающие предложить свои услуги, а также, для получения инструкций и требований к оборудованию, просим обращаться

***по адресу:*** 100167, г. Ташкент, ул. С. Толипова,
ГУП «Toshkent Xalqaro Aeroporti», Аэровокзальный комплекс.
***Контактное лицо*** — Пикалов Александр Александрович,
***тел:*** +998711402840.
***E-mail:*** alexandr.pikalov@uzairways.com



BOSH MUHARRIR:
Safar OSTONOV

TAHRIR HAY`ATI:
Abdulla ORIPOV
Latif G`ULOMOV
Bobir ALIMOV
Sharbat ABDULLAYEVA
Murodulla ABDULLAYEV
Ulug`bek MUSTAFOYEV
Tat`yana KISTANOVA
(Bosh muharrir o`rinbosari)
G`affor HOTAMOV
(Bosh muharrir o`rinbosari)
Muslihiddin MUHIDDINOV
Andrey KUSTOV
Ochilboy RAMATOV
Saidahmad RAHIMOV

MUASSIS:
O`ZBEKISTON XALQ DEMOKRATIK PARTIYASI MARKAZIY KENGASHI

BO`LIMLAR:
Partiya hayoti 233-10-13
Madaniyat va sport 233-69-45,
Ijtimoiy hayot va iqtisodiyot 233-20-36, 233-44-55
Jamoatchilik bilan aloqalar va huquqiy targ`ibot 233-12-56
Reklama va e`lonlar 233-38-55, 233-47-80
Mas`ul kotib 233-72-83, 236-55-17

VILOYAT MUXBIRLARI:
Andijonda — (374) 225-32-70
Buxoroda — (365) 223-06-02
Gulistonda — (367) 225-46-45
Jizzaxda — (372) 227-48-35
Navoiyda — (436) 223-83-73
Namanganda — (369) 226-43-81
Nukusda — (361) 222-77-21
Samarqandda — (366) 235-02-55
Urganchda — (362) 517-30-58
Farg`onada — (373) 224-18-78
Denovda — (376) 412-37-80

MANZILIMIZ:
100000, TOSHKENT, MATBUOTCHILAR KO`CHASI, 32-UY.

Navbatchi:
Temur XUDOYBERDIYEV

Gazeta «O`zbekiston ovozi»ning kompyuter markazida terildi va sahifalandi.
Sahifalovchi-dasturchilar:
Sobirjon TUNG`ATOV, Zafar BAKIROV

«Sharq» nashriyot-matbaa aksiyadorlik kompaniyasi bosmaxonasida chop etildi.
Korxona manzili: Buyuk Turon ko`chasi, 41-uy.

Gazeta O`zbekiston Matbuot va axborot agentligida 0006-raqam bilan 2007 yil 11 yanvarda ro`yxatga olingan.
Gazeta ofset usulida, A-2 formatida bosildi. Hajmi 2 bosma taboq.
Gazeta seshanba, payshanba va shanba kunlari chiqadi.


«O`zbekiston ovozi» materiallarini ko`chirib bosish faqat tahririyat ruxsati bilan amalga oshiriladi.


Г — 1149
7568 nusxada bosildi
t — Tijorat materiallari
ISSN 2010-7633
O`zA yakuni — 05.50
Topshirilgan vaqti — 06.35
1 2 3 4
Sotuvda erkin narxda